

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**229 Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунинг-  
дек машина-трактор парклари, устахоналар ва сер-  
вис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтка-  
зиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2452*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 де-  
кабрдаги 345-сон «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, асбоб-ускуна-  
ларни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Рес-  
публикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда) муво-  
фик **буюраман:**

1. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трак-  
тор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини  
техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқ-  
лансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Вазир**

**З. РУЗИЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 2 апрель,  
58-сон

Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг  
2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани,  
шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва  
сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник  
кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда) мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) техник кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди.

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Техник кўриқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекциясининг ҳудудий бўлимлари (бундан буён матнда Давтехназорат инспекцияси деб юритилади) томонидан мазкур Низомга мувофиқ ўтказилади.

2. Давтехназорат органларида рўйхатдан ўтган техникалар йилда бир марта техник кўриқдан ўтказилади.

3. Техника техник кўриқдан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида:

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзиюар машиналарга — 0,18 фоиз;

қишлоқ хўжалиги машиналарига — 0,10 фоиз;

машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарига — 0,37 фоиз миқдорда йиғим ундирилади.

**II боб. Техник кўриқдан ўтказишни ташкил этиш**

4. Техникаларни техник кўриқдан ўтказиш ишлари Давтехназорат инспекциясининг қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича давлат инспектори (бундан буён матнда давлат инспектори деб юритилади) томонидан ташкиллаштирилади.

5. Мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ техник кўриқдан ўтказиш

иш режаси ва техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссиянинг таркиби ҳар йили 15 январгача Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг тегишли туманлари (шаҳарлари) ҳокимларининг қарори билан тасдиқланади.

Комиссия таркибига Давтехназорат органи томонидан тавсия этилган юқори малакали ва тажрибали мутахассислар киритилади.

Давлат инспектори комиссия раиси ҳисобланади.

6. Давлат инспектори техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборади.

7. Мулкдор билдиришномани олгандан кейин техникаларни техник кўриқдан ўтказиш учун қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

техник кўриқ ўтказилишидан камида беш кун олдин мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ техник кўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисидаги далолатномани тўлдириши;

техник кўриқдан ўтказиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этиши.

8. Давлат инспектори далолатномани олгандан сўнг ўзининг ҳисобга олиш маълумотлари билан таққослайди.

9. Бошқа туман (шаҳар)ларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан мазкур Низомнинг 10-банди учинчи, тўртинчи хатбошилари ва 11-бандига мувофиқ техник кўриқдан ўтказилади.

Техник кўриқ натижаларини техника фойдаланилаётган жойдаги давлат инспектори техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига юборади.

### III боб. Техник кўриқдан ўтказиш

10. Техникани техник кўриқдан ўтказиш жараёнида қўйидагилар кўриб чиқилади:

техникаларнинг сони, уларнинг мавжудлиги ва рўйхатдан ўтганлиги;

техниканинг техник паспорти ва қишлоқ хўжалиги машинасининг гувоҳномасида кўрсатилган маълумотларда уларнинг тури, русуми, завод рақами, двигатель ва давлат рақамлари белгисининг мувофиқлиги;

техниканинг техник ҳолати ва жиҳозларининг созлиги.

11. Давлат инспектори техник кўриқ натижаси бўйича мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ техник кўриқ далолатномасини тўлдиради.

12. Техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўриққа тақдим этилмаган техникалар юзасидан давлат инспектори мулкдорга ёзма кўрсатма беради ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилайди.

Техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмайди.

Мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган тақдирда давлат инспектори туман (шаҳар) ҳокимлигига маълумот беради.

13. Техник кўриқдан ўтган техникаларнинг техник паспорти ва қишлоқ хўжалиги машинаси гувоҳномасининг тегишли жойига давлат инспектори «Техник кўриқдан ўтди» белгисини қўяди ва уни тасдиқлайди.

#### **IV боб. Яқуний қоида**

14. Мазкур Низом «Ўзағромашсервис» уюшмаси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

*«Ўзағромашсервис»  
уюшмаси раиси*

**Б. АБДУҚОДИРОВ**

*2013 йил 1 апрель*

*Ўзбекистон Фермерлари  
кенгаши раиси*

**С. ТУРДИЕВ**

*2013 йил 1 апрель*

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани,  
шунингдек машина-трактор парклари, устахо-  
налар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуна-  
ларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

229-модда

**Техник кўриқдан ўтказиш  
ИШ РЕЖАСИ**

Т/р	Техниканинг номи	Техника русуми	Техник кўриқдан ўтказиш муддати	Техник кўриқдан ўтказиш манзили	Техник кўриқдан ўтказиш санаси
1.					
2.					
3.					

— 56 —

17 (569) -сон

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани,  
шунингдек машина-трактор парклари, устахона-  
лар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуна-  
ларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

17 (569)-сон

### Техник кўриқдан ўтишга тақдим этилаётган техникалар тўғрисидаги ДАЛОЛАТНОМА

Т/р	Техника								Техниканинг ҳолати (соз, носоз, ижарада*)
	номи	русуми	ишлаб чиқарган йили	завод рақами	двигатель рақами	техник паспорти (гувоҳномаси) рақами	давлат рақами	қишлоқ хўжалиги машинаси инвентарь рақами	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.									
2.									

Изоҳ: \* Техниканинг ҳолати бўйича соз, носоз, ижарага берилган бўлса, манзили кўрсатилиши лозим.

Мулқдор \_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_ (ф.и.о.)

— 57 —

229-модда

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани,  
шунингдек машина-трактор парклари, устахо-  
налар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуна-  
ларини техник кўриқдан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

229-модда

### ТЕХНИК КЎРИҚ ДАЛОЛАТНОМАСИ

20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

Т/р	Техника								Техниканинг ҳолати (соз, носоз, ижарада*)
	номи	русуми	ишлаб чиқарган йили	завод рақами	двигатель рақами	техник паспорти (гувоҳномаси) рақами	давлат рақами	қишлоқ хўжалиги машинаси инвентарь рақами	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.									
2.									

— 58 —

Далолатнома нусхасини олдим: \_\_\_\_\_ туман (шаҳар) давлат

Мулкдор \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) инспектори \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.Ў.

17 (5699) -сон